

“Фарзанд тарбияси -келажак меваси”.

Ўзбек халқи фарзандни қадрлайди ва севади. “Бола азиз, одоби ундан азиз” деган нақл ҳам ўзбекларнинг фарзанд ва унинг тарбияси хусусида нақадар қайғуришини ифодалаб турибди.

Собиқ шўролар тузуми даврида бола тарбиясига кўпроқ давлат жавобгар эди. Оналар ёш фарзандларини давлат боғчаларига топшириб, ўз ишлари билан банд бўлишар эди. Давлат бола тарбиялаш маъсулиятини мактабларда давом эттирарди. Ҳозирги мустақиллик шароитида ота- оналарни бола тарбиялашнинг самарали усулларида хабардор этиш учун имкониятлар жуда кенг.

Фарзанд тарбиясида бирга яшаётган ота- оналар, буви-буважонлар, амма- холалар, амаки - тоғаларнинг ҳам катта ўрни бор, улар ҳам ота- оналарни қўллаб- қувватлаб, далда бериб туриши керак. Фарзанд назарида қариндошлар ота- она билан бир сафда бўлиши керак.

Фарзанд тарбияси ота- оналарни ҳолдан толдирар даражадаги иш бўлсада, бу биз ота -оналарнинг завқли ва мароқли вазифасига айланиши керак.

Ота -онанинг ўз фарзандига бўлган меҳр- муҳаббати ўзидан ўзи юзага чиқаверади деган хато фикр бор. Буни бугунги кун тарбиясининг энг катта камчиликларидан бири деб ҳисоблашимиз мумкин. Ота- оналарнинг аксарияти ўз фарзандларига нисбатан юрак тубида яшириниб ётган меҳр- муҳаббатни ифода қилишга қодир эмас.... Бунинг остида ўша меҳр- муҳаббатни ифодалашнинг шакл ва усуллари яхши билмаслик масаласи ётади. Натижада эса кўпчилик болалар ота-оналарининг самимий, илиқ меҳр-муҳаббатларини охиригача ҳис қила олмай, амалда ундан бебаҳра бўлиб қолаверади.

Ота- она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар самимий меҳр-муҳаббатга асосланмаган бўлса, боланинг юриш туриши , кўчадаги ва мактабдаги фаолияти мўрт асосга қурилган бўлади ҳамда бу табиий равишда келажакда кўплаб жиддий оилавий муаммоларни келтириб чиқаради.

Ҳар бир инсон фарзанд тарбиясига киришишда, аввало эр- хотин ўзларининг муносабатларини чуқур таҳлил қилиб олишлари зарур бўлади. Чунки ота- она ўртасидаги эр- хотинлик муносабати уларнинг ўз фарзандларига нисбатан бўлган муносабатларидан ҳам муҳимроқдир. Оилада эр- хотин ўртасида самимий, ўзаро ҳурмат ва меҳр- оқибатли муносабатлар йўлга қўйилган бўлса, уларнинг фарзандлари ҳам келажакда юксак инсоний фазилатларни давом эттирадилар, акс ҳолда эса фарзандлар маънавий қашшоқ, тубан кимсаларга айланади.

Ота- она бўлиш бахт. Шу билан бир қаторда, катта масъулиятдир. Ота- она ҳамиша фарзанд учун жавобгардир, шунинг учун уларга нисбатан меҳр- мухаббатини ифодалаш йўллари билиб олишлари зарур. Фарзандлар билан бўлган муносабатларда улардаги “руҳий бўшлиқ”ни тўлдиролари олиши мумкин бўлган учта мезонни, яъни нигоҳ орқали **муносабатлар, жисмоний муносабатлар ва доимий эътиборни** ҳисобга олиш керак.

Ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, инсонларнинг ўз шахсий ҳаётларини яхшилашга бўлган уринишлари, ахборотлар тизимининг ҳаддан ташқари кенгайиб кетганлиги натижасида фарзанд тарбиясидаги муаммо янада ўткирлашмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан ота- она ўзини қанчалик толиққан сезса, бола тарбияси улар учун шунчалик қийинлашиб бораверади. Қийинчиликнинг бир учи фарзандга бориб тақалади.

Ота- она болага овқат, бошпана, кийим кечак, маълумот, йўл- йўриқлар бериш билангина унинг эҳтиёжларини қондирдик, ота- оналик меҳри эса ўз- ўзидан амалга ошаверади, деб ўйлайдилар. Ота- оналарнинг ҳар бири фарзанд меҳри нималигини дилдан ҳис қилади, таассуфки, шу меҳрни ифодалаш усуллари келганда қаттиқ оқсайдилар. Муаммонинг илдизи эса айнан мана шу ерда.

Болаларнинг руҳий тарбиясига маъсулият билан ёндашиш, уларни мусиқага, тасвирий санъатга нафис адабиётга ва ҳокзоларга тўғри йўналтириш олиш орқали уларнинг руҳий талабларини тўла қондириш мумкин. Фарзанд тарбияси ўта мураккаб жараён бўлиб

аксарият ота оналар хозирги кунда бу масалада жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда,хатто айрим холларда боши берк кўчага кириб қолмоқдалар.Ота оналар бола тарбияси борасида етарлича маълумотларга эга бўлсаларда қачон қандай вазиятда қайси усулдан фойдаланишни билмай қийналмоқдалар.

Фарзанд тарбиясида энг мухим муаммолардан бири бу интизом масаласидир.Кўпчилик ота оналар интизомни тарбиянинг биринчи ва ажралмас қисми деб тушунадилар.Ваҳоланки,бола тарбиясини яхшилаш учун уни салбий эмоциялардан сақлаш,бу эмоцияларга унинг ҳаётий кучи, маънавияти ва ишдаги муваффақиятлари боғлиқ бўлишига асос бўлади.Бола тарбияси учун маъсулиятни ўз зиммасига олган ва бу вазиятда ўзини салоҳиятли деб ҳисоблаган ота она ёки тарбиячи устоз болалар билан муносабатда ёш болаларнинг мустақил фикрлаш,ўқиш,ва қарор қабул қилиш қобилиятига тўла ишонади.У болани қандай бўлса шундайлигича баҳолайди ва уларни ,шубҳасиз ишонч, ҳурмат ва қўллаб қувватлашга лойиқ деб қабул қилади.

Фарғона ВХТХҚТМОИ Педагогика, психология ва таълим менежменти кафедраси ўқитувчиси О Абдусаматова.